

## БРОНЗА ДАВРИ ШИША БУЮМЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Сурайё Бобомуратовна Маматалиева

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Тарих кафедраси  
ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада шишанинг пайдо бўлиши, Ўрта Осиёда бронза даври хўжаликларида биринчи шишанинг мунчоқ ҳолатида топилиши, Жанубий Ўзбекистон ва Зомонбобо маданиятларидан ўрганилган дастлабки шишалар ҳақида маълумот берилади. Ўрганилган даврда халқларнинг маданий алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда шиша ҳам муҳим вазифани бажаргани келтирилган.

**Калит сўзлар:** шиша, бронза даври, Кўкча 3, Сополлитепа, Жарқўтонда, Бўстон VI, Бўстон VII, Зомонбобо, шаффоф, рангли шиша, мунчоқ, мозор-қўрғон.

### ABSTRACT

This article provides information about the origin of glass, the discovery of the first glass in the form of beads in the Bronze Age farms in Central Asia, the first bottles studied in the cultures of Southern Uzbekistan and Zomonbobo. It is noted that glass also played an important role in establishing and strengthening cultural ties between nations during the period under study

**Keywords:** glass, Bronze Age, Street 3, Sopollitepa, Jarqoton, Boston VI, Boston VII, Zamonbobo, transparent, colored glass, beads, tomb-fortress.

### КИРИШ

Ўрта Осиёда деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги 3-2 минг йилликларга тўғри келади. Айнан эрамиздан аввалги 3-минг йилликнинг иккинчи ярми, 2-минг йилликнинг биринчи ярмида Амударёнинг юқори қисмида аҳоли пунктлари пайдо бўла бошлаган. Бу ерлик аҳоли Бадахшон ёқутини (лазурит) излаб топиш ва сотиш ишларида иштирок этарди. Шунингдек улар билан Ҳиндистондаги Хараппа маданияти ўртасида ўша даврдаёқ алоқалар мавжуд бўлган. Эрамиздан аввалги 2-минг йилликда ҳинд-эрон (орийлар)

қабилаларининг Ўрта Осиё худуди ва унга тутушган саҳролар орқали жанубда Ҳиндистон, жанубий-шарқда Мидия ва Форс давлати, шарқда Шарқий Туркистон сари миграцияси юз берган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дехқонларнинг қадимий масканларидан бўлган Зарафшон воҳасидаги Замонбобо худудида уй ҳайвонларининг суюқлари, буғдой ва арпа донлари, тошдан ясалган деҳқончилик ускуналари топилган. Панжикентдан унча узоқ бўлмаган Саразм қишлоғи атрофида энеолит ва бронза даврига оид деҳқончилик маскани топилган бўлиб, унинг худуди 90 гектардан зиёдроқ майдонни қамраб олади. Қадимий деҳқончилик масканлари Сурхондарёда - Сополлитепа ва Жарқўтонда ҳам топилган. Хоразм худудида топилган ва бронза даврига оид бўлган археологик ёдгорликлар Тозабөгёб деҳқончилик маданияти номини олган. Кўкча, Қават-3 деҳқончилик масканлари 2-минг йилликнинг ўрталарида вужудга келган. Бу ерда қадимий каналлар мавжуд бўлгани аниқланган.

Ўрта Осиёдаги энг қадимги шиша мунчоқлар кўринишида милоддан аввалги II минг йилликка оид бронза даври ёдгорликларини қазиб, ўрганиш жараёнида топилган. Мунчоқлар деҳқончилик, сополлар яшаш билан шуғулланган қабилалардан ҳам, Андронова маданияти қабилалари гуруҳига кирувчи чорвадор- деҳқон жамоаларида ҳам турли безак сифатида фойдаланилган. Биринчи шиша мунчоқлар Ўрта Осиёда америка экспедицияси раҳбари Р.Пампелли Анау тепаликларида олиб бораётган қазилмалар чоғида аниқланди. Иккита тешикли ёрқин яшил шишадан тайёрланган шиша мунчоқлар Номозгоҳ VI босқичи, яъни милоддан аввалги II минг йилликнинг 2-ярми билан даврлаштирилди.

Бошқа яна бир ёрқин мовий ранг мунчоқлар шодаси В.М.Массон томонидан милоддан аввалги II минг йиллик охири- I минг йиллик бошлари билан аниқлаштирилган Анау IV ёдгорлигидан топилган. Жанубий Туркманистон деҳқончилик маданияти ёдгорликларидан сўнгги бронза даврида шиша мунчоқлар топилиши тасодиф эмас, балки бу ҳудудлар Қадимги Шарқ цивилизациясига қўшни бўлгани учун айнан бронза даври охирида бундай топилмалар аниқланган. Бу маданиятлар ўзаро алоқалар олиб боргани ҳам кўриниб турибди. Сўнгги бронзанинг бу даврида Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларидаги турар жой ва қабристонларида ҳам тарқала бошлаган. Хоразм воҳасидаги

милоддан аввалги XIII- XI асрлар билан даврлаштирилган Кўкча 3 қабристонидан олимлар жами 74 та қабр ўрганишган. Шундан 5 та қабрда шиша мунчоқлар топилган. Тау- Тара қабристонидан(Қозоғистон) ҳам шундай ҳолат кузатилади ва бу ўша даврда шиша ва шиша массасининг қиймати билан белгиланади. Шиша қимматбаҳо маҳсулот ҳисобланган. Бу ердан топилган мунчоқлар ёрқин кўк шиша пастасидан узунчоқ синиқ бурчакли шаклда ясалган. М. Итина хулосасига кўра шишадан ясалган маҳсулотлар анча қадимий бўлгани сабабли, кўп қисми ёмон сақланиб қолган.

Умуман олганда, бронза даврида Ўрта Осиё, Тянь- Шан ва Қоратоғ этаклари (Жанубий Туркменистон) кўплаб ёдгорликларида шиша мунчоқлар топилган ва шиша бронзадан ясалган безаклар, тақинчоқлар билан бир хил даражада фойдаланилган. “Зарафшон воҳасидаги Зомонбобо қабристонидан топилган шиша топилмалар асосида Ўрта Осиёда шиша милоддан аввалги II минг йилликда пайдо бўлган, эҳтимол бундан ҳам қадимийроқ даврга борар”- деган хулосага келади олимлар. Е.Кузмина Зомонбобо қабристонидан қазилмалар, ўрганишларини давом эттириб, шиша буюмлар Ўрта Осиёда милоддан аввалги III минг йиллик охири - II минг йиллик биринчи ярмидан тарқала бошлаган деб ҳисоблайди.

Ўрта Осиёда турли рангдаги шиша мунчоқлар топилган бўлса-да, шиша мунчоқларнинг рангида мовий- яшил, оқиш рангдаги шишалар устунлик қилади. Аммо шиша ясалган вақтдан буён анча узоқ давр ўтгани, қолаверса, тупроқ остида сақланганини ҳисобга олинса уларнинг асл рангини аниқлаш ҳам олимлар учун қийинчиликлар туғдиради. Бу даврдаги шиша мунчоқларнинг деярли барчаси шакли цилиндрсимон, қовурғали ва муҳими кичкина эканлигини ҳисобга олиб шиша қиммат бўлгани тахмин қилинади. Қолаверса, шакл ва таркибидаги ўхшашлик Ўрта Осиёда шиша ясовчи марказ ягона жойда бўлган деган хулоса келиб чиқади.

## ХУЛОСА

Изланишлардан шу хулоса келиб чиқадики, Ўрта Осиёдаги энг дастлабки шишидан ясалган артефакт буюмлар Жанубий Туркменистон худудининг ўрта бронза даври ёдгорликлари(Анау ва Намозгоҳ VI)дан топилган. Сўнгги бронза даврига келиб бутун Ўрта Осиё худуди бўйлаб кенг тарқалган. Энг ёрқин намуналари Анау IV(Жанубий Туркменистон), Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон VI(Жанубий Ўзбекистон), Дашли III (Шимолий Афғонистон) каби сўнгги бронза даври

ёдгорликларидан топилган. Айниқса, Бўстон VI ёдгорлигидан шиша ва шиша пастасидан ясалган мунчоқларнинг кўплаб намуналарининг топилиши ушбу минералнинг кўчманчи дашт қабилалари(Сруб ва Андропова) томонидан кенг фойдаланилганлигини кўрсатади. Шаффоф ва турли рангли шиша маҳсулотлар Ўрта Осиёда бронза ва илк темир даврларида халқлар ўртасида маданий алоқалар йўлга қўйилган ва маҳсулотлар айирбошланганини кўрсатади. Натижада шиша буюмлар кенг ҳудудларга тарқалган.

## REFERENCES

1. S c h m i d t Н. The archaeological Excavations in Anau and Old Merv, В км:R. Pumpelly: „Explorations in Turkestan“, 1904, Vol. I; 1908. p. 161, fig. 332, pi. 41, 18.
2. М а с с о н В. М. Расписная керамика Южной Туркмении по раскопкам Б. А. Куфтина, ТЮТАКЭ, т. VII, 1956, стр. 312.
3. М а с с о н В. М. Древиеземледельческая культура Маргианы, МИАСССР, JV» 73, 1959, стр. 98.
4. И т и н а М. А. Раскопки могильника тазабагыябской культуры Кокча-3, Материалы Хорезмской экспедиции, т. 5, 1961, стр. 86—89.
5. Абдуразаков А.А., Безбородов М.А., Заднепровский Ю.А. Стеклоделие Средней Азии в древности и средневековье. Ташкент, 1963. С. 76.
6. К у з ь м и н а Е. Е. Могильник Заман-Баба, СЭ, 1958 № 2, стр. 30—31.
7. Маматалиева С. Glass Medallions of the Early Middle Ages of Termez. EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS) 15, P. 53-57.
8. Маматалиева С. Термизнинг илк ўрта асрлар даври шиша медальонлари. “Таълим фидойилари” илмий- услубий журнал 1 (3), 552-561.